

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил махсус сон**



формированием системы понятий курса, учебных умений и навыков на основе интерактивного обучения, а также, при формировании географической культуры учеников. В экспериментальных школах обучение географии в 5-6 классах организовываются на основе современных технологий обучения, позволяющих придать учебной деятельности учащегося последовательность, самостоятельность и творческо-поисковый характер.

Следует отметить, что комплексное применение современных и традиционных средств, методов и форм обучения является необходимым условием проектирования и проведения современных уроков.

Методика использования комплекса средств обучения географии в формировании географической культуры учащихся должна быть удобной, гибкой и творческой. Поэтому основное внимание надо уделить методике повышения уровня формирования у учащихся географических знаний, умений, навыков и компетенций, построенной на основе принципа от простого к сложному, а также усовершенствовать организационно-методическую структуру целостной методической системы географического образования, направленной на формирование у учащихся географической культуры посредством использования соответствующих средств обучения. Мы считаем, что результаты и качество обучения будут эффективными, если будет сформирована инновационная методическая система, основанная на технологиях и средствах обучения географии.

#### **Список литературы.**

1. Родзевич Н.Н. Географическая и экологическая культура. География в школе. №3. 1999. – С. 43.
2. Максаковский В.П. Географическая культура: учебное пособие для студентов вузов. – М.: Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС. 1998. – С. 416.
3. Эмирова М.Е. Образовательные возможности курса «Окружающий мир» для формирования основ картографической грамотности // Научные труды Центрального научно-исследовательского института русского жестового языка. 2020. № 3. С. 171-182.
4. Andy Leeder. 100 Ideas for teaching geography. The tower Building. London-New York. 2006. – P. 142.

#### **БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

Н.Ж.Абдусаматова

Мақтабгача таълим методикаси  
кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

**Аннотация:** Мақолада бўлажак тарбиячиларда касбий компетентликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, педагогик шарт-шароитлари ва муҳим омиллари хусусида сўз юртилади.

**Таянч тушунчалар:** компетентлик, тарбиячилар, педагогик омиллар, шарт-шароитлар, таълим-тарбия...

#### **СРЕДСТВА ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ БУДУЩИХ ВОСПИТАТЕЛЕЙ**

Н.Дж. Абдусаматова

Методы дошкольного воспитания



старший преподаватель, PhD.

*Аннотация:* В статье рассматриваются особенности, педагогические условия и важные факторы развития профессиональной компетентности будущих педагогов.

*Ключевые слова:* компетентность, педагоги, педагогические факторы, условия, образование ...

## FACTORS FOR DEVELOPING PROFESSIONAL COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS

N.J.Abdusamatova

Methods of preschool education

Senior Lecturer of the Department, PhD.

*Annotation:* The article discusses the specifics of the development of professional competence in future educators, pedagogical conditions and important factors.

*Basic concepts:* competence, educators, pedagogical factors, conditions, education...

Мамлакатимизда сўнги йилларда сифатли педагог кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилиб, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида[1] олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада олий таълим тизимини ривожлантириш, олий таълим соҳасидаги меъерий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, олий таълим тизимида инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Замонавий меҳнат бозори, бугун таълим сифатига ошаётган талабларни тақдим этиб, бўлажак тарбиячиларни касбий компетентлиги ва касбий тайёргарлиги, ўз навбатида олий таълим муассасалари, шу жумладан педагогик олий таълим муассасаларининг “Мақтабгача таълим” йўналиши битирувчилари ўртасида рақобат кучайишига олиб келади. Агар мутахассиснинг дастлабки малакаси фақат иш ўринларига мувофиқлиги ва тор ахборотни эгаллашни назарда тутса, “компетентлик” нафақат умумий турдаги, балки, хусусан кенг соҳада билимларни ўзлаштиришни талаб қилади. Мутахассиснинг ўз кўникмаларини муваффақиятли амалга оширишда тайёргарлиги ва қобилиятлиги, ўзининг фаолияти самарадорлиги ва сифатини яхшилашни назарда тутати.

Инглизча “competence” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали



фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англатади. “Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эғалик”ни англатади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиши. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Касбий компетентлик негизида акс этувчи қуйидаги; **–ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИК** – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эғалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш;

– **МАХСУС КОМПЕТЕНТЛИК** – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди;

–**ШАХСИЙ КОМПЕТЕНТЛИК** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш;

–**ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК** – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш;

–**ЭКСТРЕМАЛ КОМПЕТЕНТЛИК** – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эғалик каби сифатларни кўрсатиш мумкин.

В.В.Башевнинг таъкидлашича, компетентликлар – инсоннинг индивидуал қобилияти бўлиб, улар шарт-шароитлар ўзгарган пайтда ушбу қобилиятнинг бошқа шарт-шароитларга кўча олишида намоён бўлади. Қўллаш соҳалари уларнинг махсуслиги ва аниқлигини белгилайди (математик, тиллар бўйича, сиёсий ва бошқа компетентликлар). Жамиятни ўрганиш соҳасида самарали фаолият кўрсатувчи одам қуйидагиларга қодир бўлиши керак, яъни компетентли одам:

- 1) ўзи тушиб қолган вазиятни тадқиқ эта олиши;
- 2) бошқа одамлар билан мулоқот ўрната олиши;
- 3) қарорлар қабул қила олиши;
- 4) қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича индивидуал ва жамоавий ҳаракатларни ташкиллаштира олиши;



5) фаолиятнинг янги усулларини эгаллай олиши.

Н.А.Муслимов ва К.Абдуллаеваларнинг фикрича, компетентлик – олинган назарий билим, кўникма ва малакалар мажмуасини амалиётга мустақил ва ижодий қўллай олиш даражаси, бу ҳам талабанинг амалиёт жараёнида ва олий таълимдан кейинги фаолиятида шаклланиб боради[2].

Олий таълим муассасаларида бўлажак тарбиячиларда касбий компетентликни ривожлантиришда ва педагогнинг мактабгача таълимда шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга оширишга тайёргарлик кўрсаткичларини белгилашда 3та соҳани инобатга олиш лозим: шахс, фаолият бўйича ва рефлексив.

**Шахс сифатида тайёргарлик** – бу педагогик тафаккур (гностик, яъни ақлий қобилиятлар - илмий маълумотларни фарқлаш малакалари, амалий фаолиятда илмий билимларни тўғри қўллаш, педагогик вазифаларни малакали хал этиш); педагогик мақсадни белгилаш (ташкилотчилик қобилиятлари - ўқитиш ва такрорлаш учун оптимал шароит яратиш малакалари, машғулотнинг керакли шакллари танлаш, вақтни тўғри тақсимлаш, ўқув жараёнини керакли инвентарь жихозлари билан таъминлаш; ўз меҳнатини ташкил этиш, ҳар қандай тадбирларни режалаштириш ва ўтказиш (эрталиклар, адабий кечалар ва бошқалар); педагогик йўналтирилганлик (коммуникатив қобилиятлар: маълум бир таълим олаётганлар категорияси учун ҳаммабоп шаклда маълумотни тақдим этиш қобилияти, вазиятга қараб маълумотни бериш усул ва услубларини тўғрилаш, бировни ишонтира олиш қобилияти, “педагог-педагог”, “педагог-ота-она”, “педагог-менеджер”, “педагог-бола” даражаларида касбий мулоқотни саводли тузиш; болалар жамоасида ижобий психологик микроклиматни яратиш ва бошқалар).

**Касбий тайёргарлик:** педагогик такт (интеллектуал меҳнат бўйича лойиҳавий қобилиятлар: оддий стандартлар ва қарор услубларини олиб ташлаб, янги, ажойибларини излаш; ушбу ва ўз ўзидан маълум нарсадан юқориларини кўра билиш; одатдаги муаммоларни асосий боғлиқликларини қамраб олиш; қарор қабул қилишнинг бир нечта турли йўллари аниқ кўра билиш ва ҳаёлан энг самаралигини танлаш; барча масалалар хал этилиб бўлинган жойда муаммони сезиш ва мавжудлиги; ғоявий ҳосилдорлик; боланинг индивидуал ривожланиш ўқув жараёнини, инновацион ўқув режасини, дастурни, ўз фаолиятини лойиҳалаштириш ва бошқалар).

**Рефлексив тайёргарлик:** педагогик рефлексия (рефлексив қобилиятлар сезгирликнинг 3 турини ўз ичига олади: объектни ҳис этиш: реал ҳақиқат болаларда қандай акс-садо бераётганига, бунда қай даражада болаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари намоён бўлишига, — уларни педагогик тизимнинг талабларига мос келишига — педагогнинг алоҳида сезгирлиги; меъёрни ҳис этиш ва такт турли педагогик таъсир кўрсатиш воситалари таъсирида бола шахсида ва фаолиятида содир бўлаётган ўзгаришлар ўлчовига алоҳида сезгирликда намоён бўлади, умуман қандай ўзгаришлар рўй бермоқда, улар ижобийми ёки салбийми, қайси белгиларга кўра улар ҳақида сўзлаш мумкин; даҳлдорлик ҳисси педагогнинг шахсий фаолияти камчиликларига, танқидийлиги ва ўқув жараёнига жавобгарлик сезгирлиги билан таърифланади).

Бўлажак тарбиячиларда касбий компетентликни шаклланиши мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига ҳар томонлама ёндашишнинг қуйидаги;

- болаларнинг жисмоний ва психик соғлигини мустаҳкамлаш;
- болаларни миллий, умуминсоний, қадимий ва маданий қадриятларга



жалб этиш;

- боланинг ақлий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;
- миллий анъаналар ва удумлар асосида юксак ахлоқий ва маънавий сифатларни шакллантириш;

- болаларни тизимли ва мақсадли равишда мактабда таълим олишга тайёрлаш, уларнинг индивидуал хусусиятлари ва иқтидорини ривожлантириш каби вазифаларини самарали амалга оширишни таъминлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Мирсолиева М. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т: 2016. – 147 б.
3. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы. // “Народное образование” журнали. – 2003. – № 2. – С. 58-64.
4. Коджаспирова Г.М.. Педагогика. Учебник для студентов высших учебных заведений. – М.: “Гардарики”, 2004. – 528 с.
5. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ. Бўлажак касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг айрим масалалари. / “Олий таълим муассасалари педагог ва бошқарув кадрларининг малакасини ошириш назарияси ва амалиёти” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент: ТДПУ, 2012. 26-28-б.
6. Хамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. -Тошкент, 2017 й.

#### **БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

НамДУ Бошланғич таълимда аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси  
кафедраси ўқитувчи Б.М.Аъзамова

*Аннотация:* Мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетенцияларни ривожлантириш йўлларига доир маълумотлар берилган.

*Калит сўзлар:* мутахассис, билим, малака, компетентлик, касбий билим, қобилият, инновацион технология.

#### **ПУТИ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ**

Преподаватель кафедры методики преподавания точных и естественных наук в  
начальном образовании НамГУ Б.М.Азамова

*Аннотация:* В статье обсуждается важность профессиональных компетенций в методической подготовке будущих учителей начальных классов.



125	<b>Boshlang'ich sinflarda ingliz tilini o'qitishda, multimedia darsliklarining ta'lim tizimida tutgan o'rni.</b> Valiyeva Sh.A., Gapporov B. ....	597
126	<b>Талабаларда жисмоний тарбияга қадриятли муносабатларини ривожлантиришга хос малака ва кўникмаларни юксак даражада самарали йўлга қўйилиши</b> Назаров А.Т. ....	599
127	<b>Картографическая грамотность - признак географической культуры</b> Абдурахмонов Б.М. ....	603
128	<b>Бўлажак тарбиячиларда касбий компетентликни ривожлантириш омиллари</b> Абдусаматова Н.Ж. ....	609
129	<b>Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш йўллари</b> Аъзамова Б.М. ....	613
130	<b>Nanotexnologiyalar bo'yicha ta'lim olishga talab</b> Borisova V.A. ....	616
131	<b>Методика преподавания категории рода существительного в начальных классах.</b> Дедаханов А.М. ....	623
132	<b>Китоб –маърифат чироғи</b> Муминова Д. А. ....	626
133	<b>Davlat tiliga e'tibor va uning oliy ta'lim texnika yo'nalishlarida o'qitilishi</b> Shermatova D.Y. ....	633
134	<b>"Нутқ нуқсонли болалар диққатининг хусусиятлари"</b> Жўраев М.М. ....	637
135	<b>Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мақсадли бошқаришга замонавий ёндашувлар</b> Маҳмудова З.Х. ....	642
136	<b>Talaba sportchilarning portlovchi kuchini rivojlantirish usullari</b> Qambarov S.S. ....	647
137	<b>Die bedeutung und das gebrauch der it beim sprachlernen</b> Mamashajeva M. ....	651
138	<b>Шахс ижтимоийлашуви жараёнида жисмоний маданият ва спортнинг ўрнига доир</b> Мадаминов Б.Ш. ....	655
139	<b>Тафаккур жараёни, ақлий ҳаракат усуллари ва танқидий фикрлашга ўргатишнинг ўзаро алоқадорлиги</b> Тажибоева Г.М. ....	659
140	<b>Талабаларда таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга замонавий ёндашув</b> Қорабоева З.Т. ....	664
141	<b>Олий таълим талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш мазмуни.</b> Кодирова З. ....	669